

Тазкия дарслари (50-дарс). Одоб бўлмаса, ҳар қандай хулқ камолига ета олмайди (иккинчи мақола)



14:05 / 14.09.2019 4441

Аллоҳ таоло тилни қалбнинг таржимони, яхшилик ва ёмонликнинг калити қилиб яратган. Шундай экан, қалбнинг яхши бўлишини истасанг, тилингни тий. Тилни тийиш жоҳил учун сатр, оқил учун зийнатдир.

Қулоқнинг одоби зикр, ваъз, ҳикмат ва дину дунёга фойда берадиган нарсани эшитмоқдир. Фаҳш сўзларни, ғийбат, бўҳтон, чақимчилик ва ёмон нарсаларни эшитмасликдир. Ўз суҳбатдошига эътибор ила қулоқ осишдир.

Кўзнинг одоби ҳаром нарсаларни, биродарларнинг айбини ва мункар нарсаларни кўрмасликдир. Чунки Аллоҳ таоло кўзларнинг пинҳона хиёнатини ҳам билиб туради. Ким кўзига тобе бўлса, ўлимига эргашади.

Қалбнинг одоби яхши ҳолатларнинг риоясини қилиш, Аллоҳ таолонинг неъматлари ва махлуқотларидаги ажойиботлар ҳақида тафаккур этиш, Аллоҳ таоло ва барча мусулмонлар ҳақида яхши гумонда бўлишдир. Уни гумонлардан, ҳасаддан, хиёнатдан, ёмон эътиқод ва гумондан поклашдир.

Қўлнинг одоби уни яхшилик ва эҳсон ила биродарларга чўзиш, уни Аллоҳ таолога маъсият бўладиган нарсаларга ишлатмасликдир.

Оёқнинг одоби у билан ўзига ва биродарларига фойдали бўлган жойларга бориш, фахр ва кибр ила юрмасликдир.

Умуман олганда, одоб масаласи жуда кенг бўлиб, уни тубсиз уммонга ўхшатадилар. Тасаввуфда Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳара асосида ҳар бир нарсанинг ва ҳар бир шахснинг одоблари ва кимга, нимага нисбатан қандай одобда бўлиши белгиланган. Кишиларни одобли қилиб тарбиялаш йўллари кўрсатилган. Аҳли тасавуфни юксак одоб эгаси қилиб етиштириш йўлга қўйилган.

Шунингдек, тасаввуф беодобликнинг келиб чиқиш йўллари ва унинг зарарларини ҳам баён қилиб беради. Кейин эса ана шу беодобликдан қутулиш йўллари ҳам кўрсатиб беради.

Ахлоқ – барча махлуқотлар билан ҳусни хулқда бўлишдир. Ахлоқнинг асосини ҳилм, афв ва сабр ташкил қилади. Халойиқ сенга қандай муомалада бўлишларини истасанг, сен ҳам уларга шундай муомала қилишинг ахлоқдир. Озорни тўхтатиб, эҳсонни сочиб; инсофни кўрсатиб, жафони йўқотиб; сафони топиб, дунёни ортга отиб юрмоқ ахлоқдир. Ахлоқ – шаҳват ва ғазаб қўзиганда нафсни жиловламоқдир.

Тасаввуф ахлоқ масаласини ҳам атрофлича эҳтимомга лойиқ нарса сифатида муолажа қилади. У ахлоқ нима эканини баён қилишдан тортиб, унинг асли нималиги, ахлоқнинг яхшиси нима-ю, бадхулқлик нима ва нималар бадхулқлик саналишини ҳам тушунтириб беради. Тасаввуф Қуръони Карим ва суннат асосида қайси ахлоқлар билан хулқланиш ва қайсиларидан узоқда бўлиш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Яхши хулқларни қандай қилиб муҳофаза қилиш ва ривожлантиришни ўргатади. Шунингдек, ёмон хулқларни баён қилиш билан бирга, улардан қутулиш йўллари ҳам кўрсатиб беради.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан